


ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



XXI ASR

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

9-iyul
2026-yil
27 (1 181)

Иброҳим ҒАҒУРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Аллоҳ нурни яратган экан,
ва Ўзи ҳам шу нур ичида экан,
китоб ҳам илмлар, ҳиссиётлар,
ақлларнинг нурномасидир.
Менинг ҳақиқатим шуки,
одам китоблар оламига
шўнғимагунича ҳеч қачон
сайқал топмас.

21asr.uz XXlasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

МУАММОЛАР ЕЧИМИ ВА ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР



Давоми 3-саҳифада.

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолларининг аҳоли билан юзма-юз мулоқотлари изчил давом этмоқда.

Бундай учрашувлар шунчаки расмий тадбир эмас, балки одамларнинг дарду ташвишларини тинглаш, жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш ва маҳаллаларнинг ички имкониятларини ишга солишда муҳим платформага айланыпти.

Эртамиз эгалари ҳамиша эътиборда

O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг 30 июнь – Ёшлар кuni муносабати билан ўтказилган очиқ мулоқотда мамлакатимизда келажақ эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва инновацион ғояларини рўёбга чиқаришига қаратилган қатор янги ташаббуслари аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

2

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯСИ:



ХВЖ ВА ЖАҲОН
БАНКИ БИЛАН
СТРАТЕГИК
ШЕРИКЛИКНИНГ
ЯНГИ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

СИРДАРЁДА ТАДБИРКОРЛИК

МУҲИТИ ЎЗГАРМОҚДА, ЛЕКИН...

Кузатиётганидек, кейинги йилларда Сирдарё вилоятида барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар сезиларли даражада ижобий натижалар бераётгани бежиз эътироф этилмаяпти. Бу каби янгиланишлар самарасини, энг аввало, вилоят иқтисодиётида рўй берган ўзгаришлар исботлаб турибди. Бир маҳаллар фақат қишлоқ хўжалигига боғлиқ қолган ҳудудда бугунги кунда саноат ва хизматлар соҳаси кескин ривожланиб, бизнес, тадбиркорлик муҳити яхшиланди.

3



"ЯШИЛ"

ИҚТИСОДИЁТСИЗ
ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ



5

6

ЭШҚОБИЛ ШУКУР:
Ота-онасиз қолган
етим эмас, маслаҳатсиз
қолган етимдир



ҲАМКОРЛИК

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ

ўртасидаги мулоқот фаоллашмоқда



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси депутаты, "Адолат ва тараққиёт" партияси бош раисининг ўринбосари Куршод Зорлу бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқотда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари кейинги йилларда бутунлай янги bosқичга кўтарилгани, икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва ақин мулоқотлар барча соҳалардаги ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда мамлакатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва парламентлараро алоқалар кенгайиб бораётгани қайд этилди. Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги самарали ҳамкорлик қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Томонлар партиялараро муносабатларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдилар. Хусусан, O'zLiDeP ва "Адолат ва тараққиёт" партияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми изчил амалга оширилаётгани мамнуният билан таъкидланди. Мазкур ҳужжат доирасида партия қурилиши, парламент фракциялари, ёшлар ва аёллар қанотлари, таҳлилий марказлар ҳамда ҳудудий тузилмалар ўртасида тажриба алмашишни кенгайтириш, қўшма ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш муҳимлиги қайд этиб ўтилди.

Учрашув якунида икки партия ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, истиқболли амалий лойиҳаларни кўпайтириш ҳамда туркий давлатларнинг етакчи сиёсий партиялари ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Мулоқот конструктив, очик ва дўстона руҳда ўтди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

О'zLiDeP СИЁСІЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган очиқ мулоқотда мамлакатимизда келажақ эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олиши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва инновацион ғояларини рўёбга чиқаришига қаратилган қатор янги ташаббуслари аҳамияти ҳақида сўз юритилди.



Эрта миз эгалари
ҳамиша эътиборда

Қайд этилганидек, ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Жумладан, ҳар йили 500 минг нафар ёшни замонавий касбларга ўқитишга қаратилган “Келажақ билимлари экотизими”ни жорий этиш, “Касб ваучери” орқали ҳар йили 50 минг нафар ёшнинг касб ўрганиш харажатларини қоплаш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, эҳтиёжманд оилалардан бўлган 85 минг ёшни хусусий ўқув марказларида бепул таълим олиш имконияти яратилади. Олий таълим муассасаларини битирган ўғил-қизларни ишга қабул қилган тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари жорий этилиши эса камиди 200 минг нафар ёшни иш билан таъминлашга хизмат қилиши кутилмоқда.

Депутатлар ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ёшлар мини-франшизаси” дастури ишга туширилганини мамнуният билан қайд этишди. Дастур доирасида маҳаллий брендлар асосида бизнес бошлаётган ёшларга 300 миллион сўмгача фозисиз ссуда ажратилади. Шунингдек, Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси

истиқболли лойиҳаларга 5 миллиард сўмгача инвестиция киритади. Бундан ташқари, “1000 та масалага ёшлардан 1000 та ечим” лойиҳаси доирасида ҳар бир вазирлик ва ҳудудда инновацион ғояларни молиялаштириш учун камиди 10 миллиард сўмлик венчур жамғармалари ташкил этилади.

Йиғилишда сунъий интеллект ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар ҳам эътироф этилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида 20 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект лабораториялари ташкил этилиши, янги IT парклар барпо қилиниб, 20 мингдан зиёд юқори даражада иш ўринлари яратилиши каби ташаббуслар иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, иқтидорлилар учун янги давлат стипендиялари жорий этилиши, эҳтиёжманд ёшларни ноутбук билан таъминлашга қаратилган “Менинг биринчи компьютерим” дастурини амалга ошириш йигит-қизларни ижтимоий Ҳимоялашга хизмат қилиши таъкидланди.

Йиғилишда Президентимизнинг

ёшлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида О'zLiDeP томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар режаси қабул қилинди. Унга мувофиқ “Маҳалланинг креатив тадбиркор ёшлари”, “Ёш инноваторлар ва технологлар”, “Ёш муваффақиятли тадбиркор”, “IT ва сунъий интеллект етакчилари” каби лойиҳалар амалга оширилиб, ёшларнинг касбий билимлари, тадбиркорлик кўникмалари ва инновацион ғояларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, партия томонидан “Бизнес клуб”, “Тараққиёт нуқтаси” ва “О'zLiDeP ёшлар минбари” каби платформалар орқали очиқ мулоқот, семинар, танлов ва амалий машғулотлар мунтазам ташкил этилади. Бу ташаббуслар ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, стартап ва IT лойиҳаларини ривожлантириш, тадбиркорликни кенгайтириш ҳамда ёшларнинг мамлакат тараққиётидаги фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

О'zLiDeP матбуот хизмати

МУНОСАБАТ

БИЛИМДОН ВА ШИЖОАТКОР, КРЕАТИВ ФИКРЛАЙДИГАН
ЁШЛАРГА СУЯНАМИЗ

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир. Дарҳақиқат, орзу-умидларимиз рўёби биланмдон ва шижоаткор, креатив фикрлайдиган ёшларга боглик, улуғвор максадларга эришишимизда фақат уларгина бизга таянч бўла оладилар.

Президентимиз ҳар йили 30 июнда ёшларимиз билан мулоқот чоғида келажагимиз эгалари бандлигини таъминлаш, уларнинг билим ва ҳунар ўрганишлари, бахтли ҳаёт кеңиришлари учун дастуриламал бўладиган қатор эзгу ғоялар, янгиликлар, мислсиз имкониятлар, ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватловлар ҳақида бежиз қайта-қайта таъкидлаб ўтмайди. Чунки бу каби ташаббуслар ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларни касб-хунарга ўқитиш, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда уларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка оид билим ва кўникмасини ошириш, бандлигини таъминлаш бугуннинг энг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Масалан, биз хорижда ишлаётган ёшларни юртимизга қайтариш, уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ташкил этиш, вилоятдаги тадбиркорлик субъектлари ҳақида фермер хўжалиқларига доимий ёки масвумий меҳнатга жалб қилиш, жамоат ишларидаги фаол иштирокини таъминлаш борасида тушунтириш, тарғиботни изчил равишда амалга оширяймиз.

Ёшларимиз ўз ватанпарварлиги, билим ва малакаси, ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги билан учинчи Ренессанс иждоқорлари эканликларини намоян этишга қодир. Кейинги йилларда бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшлар сиёсатида дахлдор қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ёшлар сиёсатида муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралиб, навқирон авлод вакилларига эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, йигит-қизларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш борасида муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, кейинги йилларда иқтидорли йигит-қизларимиз парламентимиз ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг аъзоси сифатида, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият идораларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатишмоқда. Депутатларимиз жойларда қийин вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, иш билан таъминланмаган йигит-қизларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан яқка тартибда ишлаш ҳамда манзилли қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни изчил давом эттирмоқдалар. Вилотимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшларни қийнаётган ижтимоий масалаларни ҳал этиш, муаммоларга ечим топиш борасида тинимсиз изланаямиз.

Воҳадаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар бандлигини таъминлаш мақсадида уларни халқаро IT сертификатга эга бўлиши учун инглиз ва бошқа хорижий тилларни мукаммал ўрганиши, ўз соҳаси бўйича амалий ишларни йўлга қўйган ҳолда веб-сайт яратишни ўзлаштириши учун кўмаклашяймиз. Ўқув марказларида IT таълимини бериш орқали билимдон ва замонавий мутахассисларни тайёрлаш учун соҳага оид янгиликлар амалиётга жорий этиш механизми такомиллаштириб борилаётир. Бугун мамлакатимизда рақамлаштиришни ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар, янги имкониятлар яратилмоқда.

Жорий йилда 82 412 нафар битирувчи вилоят меҳнат бозорига кириб келади. Шундан 44 054 нафари мактабни, 14 162 нафари техникумни ва 24 196 нафари олий ўқув даргоҳларини тамомлайди. Битирувчиларнинг 29 498 нафари таълимнинг кейинги босқичига қамраб олинса, қолган 52 914 нафари турли йўналишларда банд қилинади. Хусусан, 29 512 ёш йигит-қиз давлат ва хусусий секторларга доимий ишга жойлаштирилади. Уларнинг 12 150 нафарига “Оилавий тадбиркорлик”, “Бизнесга биринчи қадам”, “Маҳалла лойиҳаси”



Шухрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар,
маданият ва спорт
масалалари қўмитаси аъзоси

дастурулари доирасида 465,3 млрд сўм имтиёзли кредитлар ажратилади ва 11 252 нафари немис тили ва касб-хунарга ўқитиш марказларида ўқитилиб, тартибли миграцияга юборилади. Вилоят ёшлари ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида сўнгги 2 йил давомида 43 мингдан ортиқ ёшга 1,8 триллион сўм кредит маблағлари ажратиб берилди. Биргина жорий йилда эса 13,6 минг ёшлар 505,2 млрд сўм молиявий кўмак олишиб, 15,7 минг нафар тенгқурларини иш билан таъминладилар. Йил бошида “Ёшлар дафтари”га 809 нафар ёш киритилган эди. Ҳозирга қадар уларнинг 366 нафарига 1 млрд 42 млн сўмлик кўмак кўрсатилди.

Кейинги ўйилликда олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, умумтаълим мактабларини битираётган ёшларни касб-хунарга ўргатиш, таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, бандлигини таъминлаш борасида ҳам зарур ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, ёшларга бизнес билан шуғулланиш учун қўшимча имкониятлар яратилиб, жой ва банклардан кредит олишлари учун кўмаклашляпти. Президентимиз томонидан билдирилган тақлиф ва ташаббуслар мазкур ислохотларнинг бардавомлигига хизмат қилади.

Макроиктисодий
барқарорлик
ва бозор
механизмлари
изчиллиги

Ҳамкорлиқнинг бугунги босқичи Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг Ўзбекистон бўйича навбатдаги баҳолаш натижаларини билан ҳам аҳамиятлидир. ХВЖ экспертлари мамлакат иқтисодиёти юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолаётгани, макроиктисодий барқарорлик мустаҳкамланаётгани ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларини қарор топтиришга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилаётганини қайд этдилар. Жумладан, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, миллий валюта алмашув курси механизмларини эркинлаштириш, банк тизими барқарорлигини кучайтириш, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш соҳаларидаги натижалар ижобий баҳоланди. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини босқичма-босқич қисқартириш ҳамда хусусий тадбиркорлик учун янада қулай муҳит яратиш борасида ишлар ҳам эътироф этилди.

Шу билан бирга, жамғарма келгуси босқичда инфляциянинг жилаволаш, ижтимоий харажатларнинг манзиллилигини кучайтириш, давлат корхоналарини ислох қилишни давом эттириш ва молия тизими шаффофлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

ХВЖнинг мамлакатимизга кўрсатаётган экспертлик ва техник кўмаги пул-кредит, валюта ҳамда фискал сиёсатни такомиллаштириш, макроиктисодий бошқарув сифатини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Келгуси ҳамкорлик доирасида макроиктисодий сиёсат стратегиясини янада такомиллаштириш, рақамли тўлов тизимларини ривожлантириш, капитал ҳаракатини либерал-

лаштириш, миллий статистика тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини ошириш ва эркин валюта алмашуви сиёсати изчиллигини таъминлаш устувор вазифалар сифатида белгиланди. Шунингдек, иқтисодий бошқарув соҳалари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма дастурларни кенгайтириш ислохотларнинг узоқ муддатли самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти сифатида эътироф этилди.

15 миллиард
долларлик
шериклик

Жаҳон банки ҳам мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни қўллаб-қувватлашда энг фаол халқаро ҳамкорлардан бири бўлиб қолмоқда. Банк иштирокида инфратузилмани модернизация қилиш, энергетика тизимини янгилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш, сув ресурсларини самарали бошқариш, транспорт-коммуникация боғлиқлигини кучайтириш ҳамда хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Музокараларда Ўзбекистоннинг Жаҳон банки гуруҳи билан ҳамкорлиги сўнгги йилларда мутлақо янги босқичга кўтарилгани алоҳида қайд этилди. Утган йили Нью-Йорк шаҳрида эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда. Бугунги кунда қўшма лойиҳалар портфели 15 миллиард АҚШ долларидан ошиб, ҳамкорлиқнинг қўлама ва амалий самарадорлигини яққол намоян этмоқда. Тошкент шаҳрида ушбу банкнинг минтақавий офиси самарали фаолият юритмоқда, лойиҳаларни амалга оширишда эса замонавий молиявий механизмлар кенг жорий этилмоқда.

Истикболда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, инсон капиталини ривожлантириш ҳамда сув ресурсларини самарали бошқариш ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

“Швейцария
гуруҳи” эътирофи

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар Халқаро валюта жамғармасининг “Швейцария гуруҳи”

ижроия директорлари йиғилишида ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Мазкур платформа ХВЖ доирасида мамлакатлар бўйича стратегик ёндашувларни шакллантиришда муҳим ўрин тутати. Шу боис унда Ўзбекистон иқтисодий сиёсатида берилган ижобий баҳолар мамлакатимизга нисбатан дунё миқёсида ишонч тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Йиғилиш қатнашчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллиги, амалий натижалари ҳамда уларнинг узоқ муддатли барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилаётганини юқори баҳоладилар. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро молиявий институтлар билан мулоқотимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни қўллаб-қувватлашда энг фаол халқаро ҳамкорлардан бири бўлиб қолмоқда. Банк иштирокида инфратузилмани модернизация қилиш, энергетика тизимини янгилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш, сув ресурсларини самарали бошқариш, транспорт-коммуникация боғлиқлигини кучайтириш ҳамда хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Фақат молиявий
кўмак эмас...


Давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда олиб борилаётган очиқ ва прагматик иқтисодий сиёсат натижалари халқаро молиявий институтлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Июнь ойида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар якунлари, ХВЖ ва Жаҳон банкининг ҳуслослари ҳамда халқаро экспертлар баҳолари Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт стратегияси изчил ва самарали амалга оширилаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Энг муҳими, мамлакатимиз билан халқаро молиявий институтлар ўртасида молиявий кўмак билан кескланиб қолмайдиган, балки илғор билимлар, экспертлик тажрибаси ва институционал ривожланишга асосланган узоқ муддатли стратегик шериклик модели шаклланди. Бу ҳамкорлик макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, таркибий ислохотларни жадаллаштириш, хусусий сектор ролини кенгайтириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш ва энг муҳими, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ҳамкорлиқнинг бугунги босқичи Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро миқёсида эътироф этилаётгани, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиш траекторияси мустаҳкамланаётгани ҳамда Янги Ўзбекистон тараққиётининг узоқ муддатли истиқболлари тобора ишончли тус олаётганини яна бир бор намоян этмоқда.

ХВЖ ва Жаҳон банки билан стратегик
шерикликнинг янги истиқболлари

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ва Жаҳон банки билан изчил ривожланиб бораётган стратегик ҳамкорлиги иқтисодиётни модернизация қилиш, унинг рақобатбардошлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш, инвестициявий муҳитни янада яхшилашда муҳим омил бўляпти.



Дурбек АХМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор



МУАММОЛАР ЕЧИМИ ВА ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ**

МАҲАЛЛАНИНГ ИЧКИ КУЧИ ВА МАЪНАВИЙ МАСКАН ЖОЗИБАСИ

– Науканбағ мисолида кўриниб турибдики, бугун маҳалла шунчаки маъмурий тузилма эмас, балки катта кучга айланмоқда. Айниқса, еттилик тизимининг тўғри йўлга қўйилгани ва аҳолининг ҳамжиҳатлиги муаммоларнинг давлат кумагисиз, ички имкониятлар ҳисобида ҳал этиш мумкинлигини исботламоқда. Ташаббускорлик бор жойда ривожланиш, маънавият ва аҳил муҳит барқарор бўлади, – деди А. Хантов.

**КЕЛАЖАК
БУНЁДКОРЛАРИ БИЛАН
ЮЗМА-ЮЗ:
ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ВА
ЮКСАК ИШОНЧ**

ХОРАЗМ

ЕРДАН БАРАКА
УНДИРГАНЛАР МАКТАБИ ВА
СУВ ТЕЖАШ МАДАНИЯТИ

Мулоқотда аграр соҳани янада ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш, сув ресурсларидан оқилона-фойдаланиш, такоррий экинлар майдонини кенгайтириш, агротехнологиялари такомиллаштириш ҳамда фермерларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш

Айниқса, глобал иқлим ўзгариши шароитида Оролбўйи ҳудуди учун энг оғриқли муаммо – сув танқислиги масаласи кун тартибига алоҳида ўрин эгаллаб кетди. Экин майдонларида ёмғирлибт сугориш технологиясини кенг жорий этиш, сув тежовчи инновацион усуллардан самарали фойдаланган бўйича амалий тақлифлар ўртага ташланди. Таъкидланганидек, бугунги кунда сувни тежаш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки келгуси авлодлар учун табиий

Дарҳақиқат, гектаридар 105 центнердан бугдӯи олиш – бу шунчаки рақам эмас, бу Хоразмнинг оғир иқлим шароитида тинимсиз меҳнат ва илмнинг уйғунлашуви натижасидир. Партия раҳбари томонидан тақдир этилган “Устоз-шогирд” мактаби тизими мана шундай бой таҷрибанинг йўқолиб кетмаслигига ва ёш аграрларнинг овёққа туриб олишига хизмат қилади. Бугун бизга суви сочуви эмас, суви тежовчи ва ерининг тилини билувчи янги авлод фермерлари керак.

**Кўп тармоқлилиқ
барқарорлиқ омили:
150 нафар аҳоли бандлиги
таъминланган хўжалиқ**

Хўжаликнинг ижтимоий масъулияти юқори экани алоҳида таҳсинга лойиқ; бу ерда 150 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари доимий иш ўрни билан таъминланган.

- **70 гектар** – пахта майдони;
- **40 гектар** – буғдойзор;
- **5 гектар** – картошка майдони;

– Ердан фақат пахта ёки галла мақсидида фойдаланишда тўғри. «Давлат Раҳматиллоў» жўжалиги мисолида кўриб турибмизки, 128 гектар ернинг ҳар бир қариичидан ақл билан фойдаланилганда ҳам экспортбоп. Америка қовғидек даромадли маҳсулот етштириш, ҳақ 150 нафар кишлоқдошнинг доимий иш билан таъминлаш мумкин. Кўп тармоқлилик ва бозор конъюнктурасини тўғри ҳис қилиш – ана бугунги замон фермерининг ақл қиёфаси, – деди Акмата Хайтов.

**МАҚСАД АНИҚ —
АМАЛИЙ НАТИЖА,
ХАЛҚ РОЗИЛИГИ**

Учрашувлар давомида билдирилган ҳар бир тақдир, тилга олинган оғриқли масала, айниқса, сув таъминлиги шaroитида агар соҳани ривожлантириш ва ёш фермерлар учун “устоз-шогирд” мактабларини ташкил этиш ташаббуслари партиянинг келгуси дастурий мақсадлари ва парламентдаги фракцияси фаолияти учун асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади. Зеро, партиянинг бош мақсади – аҳоли фаровонлиги, тадбиркор ва фермерлар муҳофазаси ҳамда ҳар бир маҳалланинг ички кучини Ватан тараққиётига йўналтиришдир.

Худудлардаги очик мулоқотлар давом этмоқда.

**Рўзимбой ҲАСАН,
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбирлари**

4 O‘zLiDeP ишчи гуруҳи

СИРДАРЁДА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ ЎЗГАРМОҚДА, ЛЕКИН...

Кузатилаётганидек, кейинги йилларда Сирдарё вилоятида барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар сезиларли даражада ижобий натижалар бераётгани бежиз эътироф этилмаяпти. Бу каби янгиланишлар самарасини, энг аввало, вилоят иқтисодиётида рўй берган ўзгаришлар исботлаб турибди. Бир маҳаллар фақат қишлоқ ҳўжалигига боғланиб қолган ҳудудда бугунги кунда саноат ва хизматлар соҳаси кескин ривожланиб, бизнес, тадбиркорлик муҳити яхшиланди. Таъкидлаш керакки, тажрибали ва доврўғи баланд тадбиркорлар қатлами шаклланди. Айниқса, вилоятни Хитой тажрибаси асосида илғор инновацион ҳудудга айлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ. Корея Республикаси, Япония ва Малайзияга уюштирилган хизмат сафарлари доирасида қатор инвесторлар билан музокаралар ўтказилиб, юзлаб миллион долларлик лойиҳалар шакллантирилгани, шунингдек, рақамли иқтисодиёт, косметика саноати, агросаноат ва қайта ишлаш соҳаларида ҳам янги инвестиция ташаббуслари ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани алоҳида мавзў.

Албатта, эришилаётган катта-кичик ютуқлар ўз йўлига, лекин тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш йўлида мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш лозим. Шу маънода O‘zLiDeP ташаббуси билан олиб борилаётган ибратли тадбирлардан бири – аҳоли ва тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

O‘zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ақтам Хаитов бошчилигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари ва фаоллардан иборат ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Сайхунобод, Сардоба, Оқолтин, Ховос туманлари ҳамда Ширин ва Гулистон шаҳарларида фаолият юритаётган фермерлар, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, фармацевтика ва экспорт йўналишларидаги тадбиркорлик субъектлари, “маҳалла еттилиги” вакиллари, олий таълим муассасалари талабалари, маҳаллий кенгаш депутатлари, жамоатчилик фаоллари билан очиқ мулоқотда бўлди.

Дастлаб Сайхунобод туманидаги “Фаровон”, Гулистон шаҳридаги “Улуғнор” кичик саноат зонаси ҳамда Ховос туманида фаолият юритаётган “RS Success Agro” масъулияти чекланган жамятининг иш фаолияти ўрганилди. Шунингдек, “Сирдарё давлат ўрмон ҳўжалиги” ва “Сардоба сув ombори” фаолияти билан яқиндан танишилди.

Ўрганишлар давомида ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, саноат зоналарини зарур инфратузилма билан таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва логистика тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам учраётганлиги маълум бўлди.

Сайхунобод туманидаги “Фаровон” кичик саноат зонасида бугунги кунда умумий қиймати 134,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 10 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларни узлуқсиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қиймати 173,1 миллиард сўм бўлган, узунлиги 75,5 километрлик 110 киловольтли икки занжирли электр узатиш тармоғи ва икки та подстанция қурилишини назарда тутувчи алоҳида лойиҳа ишлаб чиқилган.

Ушбу мақсадлар учун Вазирлар Маҳкамаси Раёсати баённомалари асосида турли босқичларда жами 80 миллиард сўм маблағ ажратилган ва ушбу маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги “2026 – 2028 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ қўшимча 40 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлса-да, бугунги кунга қадар ушбу маблағ молиялаштирилмаган.



Инвестиция лойиҳаларининг аксарияти ишга тушириш босқичига етиб келгани боис уларни электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш учун иккита 25 мегавольт-ампер кубватга эга подстанция қурилишини якунлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан подстанциялар учун зарур бўлган комплект электр қурилмаларини харид қилиш мақсадида қўшимча маблағ ажратиш, шунингдек, асосий лойиҳани тўлиқ якунлаш учун талаб этилаётган қолган 33,1 миллиард сўм маблағни ажратиш бўйича тегишли чоралар кўриш таклиф этилди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, мазкур 10 та инвестиция лойиҳаси тўлиқ қувват билан ишга туширилгандан кейин 900 нафардан ортиқ фуқаро доимий иш ўрни билан таъминланади. Шу билан бирга, кор-

хоналарда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошиши, экспорт ҳажми эса йилгига 10 миллион АҚШ долларига етказилиши кутилмоқда.

Гулистон шаҳридаги “Улуғбод” саноат зонасида ҳам инфратузилма билан боғлиқ муҳим муаммолар мавжуд. Айниқса, йирик ишлаб чиқариш корхоналари учун темир йўл тармоғининг мавжуд эмаслиги маҳсулотларни ташиш харажатларининг ортишига ва рақобатбардошликнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, саноат зонаси ҳудудидаги 24 гектар ер майдони икки йилдан ортиқ вақт давомида савдога қўйилган бўлса-да, логистика имкониятларининг чекланганлиги сабабли инвесторлар қизиқиши паст бўлиб қолмоқда.

Бу муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида саноат зонасида 6 километр узунликдаги темир йўл тармоғини тортиш учун республика бюджетидан 27 миллиард сўм маблағ ажратиш таклиф қилинди. Бу эса келгусида ҳудудга янги инвесторларни жалб қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш ва экспорт кўрсаткичларини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувларда экспорт фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар томонидан логистика соҳасидаги муаммолар ҳам кўтарилди. Вилоятда фаолият юритаётган 14 та йирик корхонада кунига ўртача 4 минг тонна ун ишлаб чиқарилмоқда. Корхоналарнинг кунлик эҳтиёжи 55–60 та ёпиқ турдаги темир йўл вагонини ташкил этаётган бўлса-да, амалда мазкур талабнинг атиги 15–20 фоизи қондирилмоқда.

Вагонлар етишмаслиги натижасида ўртача 55 минг тонна, тахминан 14–15 миллион АҚШ долларига тенг тайёр маҳсулот ombорларда тўпланиб қолмоқда. Бу эса корхоналарнинг айланма маблағлари ҳаракатида, экспорт шартномаларининг ўз вақтида бажарилишига ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис ун ишлаб чиқарувчи корхоналарни кунлик эҳтиёжга мос равишда ёпиқ турдаги вагонлар билан таъминлаш масаласи долзарб вазифа сифатида қайд этилди.

Шунингдек, экспорт жараёнида темир йўл логистикаси билан боғлиқ яна бир муҳим масала – вагонлар ижараси қийматининг ошганлиги ҳам муҳокама қилинди. Маълумки, Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги тегишли қарорига мувофиқ “Темирйўлларго” акциядорлик жамяяти ташкил этилган. Амалдаги тартибга кўра, экспорт ташувларида мазкур жамяят орқали вагон жалб қилинганда ҳар бир вагон учун 500–600 АҚШ доллари миқдорида ижара тўлови ундирилмоқда. Ваҳоланки, 2025 йил май ойига қадар бундай тўловлар амалда бўлмаган.

Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, қатор давлатларда вагон ижараси

ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигига таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Қозоғистонда солиқ маъмуричилиги тизимидаги ўзгаришлар натижасида бугдой нархининг қимматлашгани, темир йўл тарифлари ва экспортни қўллаб-қувватлаш механизмларидаги ўзгаришлар минтақадаги рақобат муҳитига бево-сита таъсир қилмоқда.

Шу муносабат билан маҳаллий донни қайта ишлаш корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қозоғистонда ишлаб чиқарилган ун маҳсулотларига нисбатан божхона сийёсати механизмларини қайта кўриб чиқиш ҳамда Қозоғистондан транзит орқали ташилаётган ун маҳсулотлари бўйича темир йўл тарифларини таҳлил қилиш ва қайта кўриб чиқиш таклифлари илгари сурилди.

Умуман олганда, Сирдарё вилоятида ўтказилган учрашувлар ва ўрганишлар ҳудуд иқтисодиётини янада ривожлантириш,



янги иш ўринлари яратиш, экспорт ҳажмини ошириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун қатор тизимли масалаларни ҳал этиш зарурлигини кўрсатди. Илгари сурилган таклифларнинг амалий ечим топиши ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда саноат зоналари самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Хусусан, саноат зоналарида аукцион савдоларига чиқарилган ер майдонларининг бошланғич нархи юқорилиги сабабли қатор ер участкалари узок вақт давомида сотилмасдан қолмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳридаги саноат ҳудудларида 24 гектар майдон икки йилдан ортиқ вақтдан буён инвесторлар томонидан ўзлаштирилмаган ҳолда турибди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур ҳолат Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги қарорлари асосида ер участкалари қиймат ҳудуд тоифасидан келиб чиққан ҳолда автоматик шакллантирилиши билан боғлиқ. Натижада бир ҳудудда жойлашган, иқтисодий ва логистик имкониятлари даярли бир ҳил бўлган ер майдонлари ўртасида сезиларли нарх тафовути юзга келмоқда. Масалан, Гулистон шаҳридаги “Улуғбод” кичик сано-

қарийб 1322 гектари узок йиллар давомида самарали фойдаланилмасдан қолгани маълум бўлди. Ваҳоланки, мазкур ер майдонларида туташ ҳудудларда замонавий сув тежовчи технологиялар ва илғор агротехник усуллар қўлланилган ҳолда юқори ҳосилдорликка эришилаётгани кузатилмоқда. Ўрмон ҳўжалиги тасарруфидаги ерларда эса сув ресурслари ва ер фондидан етарлича фойдаланилмаётгани оқибатида шурланиш жараёни кучайиб, ерларнинг унумдорлиги пасайиб бормоқда.

Шу боис мазкур ташландиқ майдонларни тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, ҳар бир ҳудуднинг мелиоратив ҳолати ва сув билан таъминланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда саксовул, қайрағоч, терак, жийда каби дарах турларини экиш бўйича уч йиллик аниқ режа-график ишлаб чиқиш таклиф этилди. Шунингдек, томчилатиб суғо-

ни экин мавсуми бошлангунга қадар ўрнатиш имкониятлари чекланмоқда. Мавжуд мураккаб тартиблар сабабли фермер ҳўжаликларида сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонлар ҳажми 12 минг гектар билан чекланган. Агар жараёنлар соддалаштирилганида ушбу кўрсаткични камида 20 минг гектарга етказиш имконияти мавжуд эди.

Жорий йилда вилоят бўйича қўшимча 30 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш вазифаси белгиланган бўлса-да, амалдаги 10 босқичли тартиб ва аризаларни кўриб чиқишда инсон омилнинг юқори даражада сақланиб қолаётгани ушбу мақсадларга эришишда жиддий тўсиқ бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг самарадорлиги ҳамда лойиҳаларнинг иқтисодий натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сирдарёда олиб борилган ўрганишлар давомида оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳам қатор ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар мавжудлиги аниқланди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ҳолда – оилавий корхона шаклида ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда – якка тартибдаги тадбиркор сифатида амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни 28-моддасининг иккинчи қисмида коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти ташкилотлари зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларини оилавий корхона фаолияти амалга оширишда жойигага етказиши ҳамда улаш ишларини аҳоли учун белгиланган тарифлар ва шартлар асосида таъминлаши белгиланган.

Бироқ мазкур норма амалиётда асосан юридик шахс мақомига эга бўлган оилавий корхоналарга нисбатан қўлланилмоқда. Натижада якка тартибдаги тадбиркор шаклида фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлар, қонунчиликда тураржойларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилган бўлишига қарамасдан, тураржойни ёки унинг бир қисмини нотузаржой тоифасига ўтказишга ҳамда коммунал хизмат кўрсатуви ташкилотлар билан юридик шахслар учун белгиланган тарифлар асосида алоҳида шартномалар тузишга мажбур бўлмоқда.

Бироқ қарорнинг амал қилиш муддати 2024 йил 1 январдан якунланганлиги сабабли ушбу субсидиялар ажратилиши тўхтатилган. Натижада чорвачилик, паррандачилик ва баликчилик соҳаларида фаолият юритаётган фермер ҳўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш харажатлари ошди, айланма маблағлар билан таъминлаш даражаси пасайди ҳамда молиявий юклама сезиларли даражада кучайди. Айниқса, озуқа, энергия ресурслари ва ветеринария хизматлари нархлари ўсиб бораётган шaroитда мазкур субсидияларнинг бекор қилиниши соҳанинг иқтисодий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис қарорнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва гўшт, сут, тухум, парранда гўшти ҳамда балиқ маҳсулотлари учун субсидия ажратиш тартибини қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш жараёнида ҳам қатор ташкилий муаммолар сақланиб қолмоқда. Бугунги кунда “Suvkredit.uz” электрон платформаси фермер ҳўжаликлари учун муҳим молиявий восита ҳисобланса-да, ундаги ортиқча бюрократик жараёнлар ва кўп босқичли тартиб-таомиллар лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Амалда тизим ариза топиришдан тортиб, молиялаштиришгача бўлган 10 босқичли жараёни ўз ичига олади. Аризани қабул қилиш, скрининг таҳлили, талабгор томонидан тасдиқлаш, ваколатли ташкилотлар текшируви, таъминотчини танлаш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва келишиш, банк экспертизаси, кредит шартномаларини расмийлаштириш, суғурта шартномаларини тузиш ҳамда дастлабки тўловларни амалга ошириш каби қўллаб-қараёнлар катта вақт талаб қилмоқда.

Натижада сув тежовчи технологиялар-

Сирдарёда олиб борилган ўрганишлар давомида оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳам қатор ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар мавжудлиги аниқланди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ҳолда – оилавий корхона шаклида ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда – якка тартибдаги тадбиркор сифатида амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни 28-моддасининг иккинчи қисмида коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти ташкилотлари зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларини оилавий корхона фаолияти амалга оширишда жойигага етказиши ҳамда улаш ишларини аҳоли учун белгиланган тарифлар ва шартлар асосида таъминлаши белгиланган.

Бироқ мазкур норма амалиётда асосан юридик шахс мақомига эга бўлган оилавий корхоналарга нисбатан қўлланилмоқда. Натижада якка тартибдаги тадбиркор шаклида фаолият юритаётган оилавий тадбиркорлар, қонунчиликда тураржойларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилган бўлишига қарамасдан, тураржойни ёки унинг бир қисмини нотузаржой тоифасига ўтказишга ҳамда коммунал хизмат кўрсатуви ташкилотлар билан юридик шахслар учун белгиланган тарифлар асосида алоҳида шартномалар тузишга мажбур бўлмоқда.

Бироқ қарорнинг амал қилиш муддати 2024 йил 1 январдан якунланганлиги сабабли ушбу субсидиялар ажратилиши тўхтатилган. Натижада чорвачилик, паррандачилик ва баликчилик соҳаларида фаолият юритаётган фермер ҳўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш харажатлари ошди, айланма маблағлар билан таъминлаш даражаси пасайди ҳамда молиявий юклама сезиларли даражада кучайди. Айниқса, озуқа, энергия ресурслари ва ветеринария хизматлари нархлари ўсиб бораётган шaroитда мазкур субсидияларнинг бекор қилиниши соҳанинг иқтисодий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис қарорнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва гўшт, сут, тухум, парранда гўшти ҳамда балиқ маҳсулотлари учун субсидия ажратиш тартибини қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш жараёнида ҳам қатор ташкилий муаммолар сақланиб қолмоқда. Бугунги кунда “Suvkredit.uz” электрон платформаси фермер ҳўжаликлари учун муҳим молиявий восита ҳисобланса-да, ундаги ортиқча бюрократик жараёнлар ва кўп босқичли тартиб-таомиллар лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Амалда тизим ариза топиришдан тортиб, молиялаштиришгача бўлган 10 босқичли жараёни ўз ичига олади. Аризани қабул қилиш, скрининг таҳлили, талабгор томонидан тасдиқлаш, ваколатли ташкилотлар текшируви, таъминотчини танлаш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва келишиш, банк экспертизаси, кредит шартномаларини расмийлаштириш, суғурта шартномаларини тузиш ҳамда дастлабки тўловларни амалга ошириш каби қўллаб-қараёнлар катта вақт талаб қилмоқда.

Натижада сув тежовчи технологиялар-

O‘zLiDeP ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган материаллар асосида “XXI asr” мухбири Абдулла ЧИМИРПОВ тайёрлади.



"ЯШИЛ"

ИҚТИСОДИЁТСИЗ

ТАРАҚҚИЁТ БЎЛМАЙДИ

“Яшил” иқтисодиёт гоёси янги тушунча эмас. Унинг илмий асослари ўтган асрнинг 70-йилларида шакллана бошлаган. 1972 йилда Стокгольмда ўтказилган атроф-муҳитга бағишланган халқаро конференцияда барқарор ривожланишнинг асосий тамойиллари қабул қилинди. “Яшил иқтисодиёт” атамаси эса 1989 йилда Буюк Британияда нашр этилган “Blueprint for a Green Economy” асари орқали илмий муомаллага кирди. Бугун мазкур концепция иқтисодий ўсишни табиатни асраш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва инсон фаровонлиги билан уйғун ҳолда таъминлашга қаратилган тараққиёт модели сифатида қаралмоқда.

Марказий Осиёда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари, сув ресурсларининг қисқариши, биологик хилма-хилликнинг камайиши ва чўлланиш жараёнларининг кучайиши “яшил” тараққиётни минтақа давлатлари учун стратегик заруратга айлантирди.

Мамлакатимизда ҳам мазкур йўналишдаги ислохотлар изчил давом этмоқда. Хусусан, 2019 йилда “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси қабул қилиниб, иқтисодиётнинг барча тармоқларида энергия ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш ҳамда углеводород чиқиндиларини қисқартириш устувор вазифалар сифатида белгиланди. Бу нафақат экологик хавфсизликни таъминлаш, балки иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Бугун мамлакатимизда аҳоли сони ва иқтисодий фаоллик ортиб бораётгани энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширмоқда. Ана шундай шароитда қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш иқтисодий барқарорликнинг муҳим омилли ҳисобланади. Халқаро молиявий институтлар ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистоннинг, айниқса, қуёш энергетикаси бўйича салоҳияти жуда юқори. Мавжуд табиий имкониятлар мамлакат эҳтиёжидан бир неча баробар ортиқ энергия ишлаб чиқариш имконини беради. Шунинг учун ҳам қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш, “яшил энергетика” лойиҳаларини кенгайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Бирок “яшил” иқтисодиётни фақат энергетика билан чеклаб бўлмайди. У сув ресурсларини муҳофаза қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалигида инновацион технологияларни жорий этиш, чиқиндиларни самарали бошқариш, ўрмон майдонларини кенгайтириш, шаҳарларни экологик жиҳатдан барқарор ривожлантириш каби кўплаб соҳаларни қамраб олади. Энг муҳими, бундай ўзгаришлардан давлат ёки бизнес эмас, энг аввало, аҳоли манфаатдор бўлади. Чунки экологик тоза муҳит, сифатли ичимлик суви, хавфсиз озиқ-овқат ва

энергия тежамкор технологиялар инсон ҳаёти сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

“Яшил” иқтисодиётга ўтиш мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бугун дунёда экологик масъулиятли иқтисодиётга устувор аҳамият берилаётгани боис халқаро молия институтлари, йирик инвесторлар ва транснационал компаниялар барқарор ривожланиш тамойилларини амалга ошираётган давлатлар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида қизиқиш билдирмоқда. Бу эса “яшил” тараққиёт йўлини танлаган мамлакатларга янги инвестициялар, замонавий технологиялар ва илғор бошқарув тажрибасини жалб қилиш имконини яратмоқда.

Ўзбекистон ҳам мазкур жараённинг фаворит иштирокчисига айланиб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз 2019 йилда МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб Глобал яшил ўсиш институти (GGGI)га аъзо бўлди. Шунингдек, Париж битими доирасида 2030 йилга қадар атмосферага чиқариладиган парник газлари ҳажмини қисқартириш бўйича олинган халқаро мажбуриятлар изчил бажарилмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг экологик барқарорлик ва халқаро ҳамкорлик соҳасидаги қатъий позициясини намойён этмоқда.

Бу борада Корея Республикаси билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур мамлакат қисқа вақт ичида иқтисодий та-

раққиёт билан экологик барқарорликни уйғунлаштиришга эришган давлатлардан бири ҳисобланади. Шу боис рақамли иқтисодиёт, қайта тикланувчи энергия манбалари, “ақлли шаҳар” технологиялари, энергия тежовчи ишлаб чиқариш ҳамда “яшил” инвестициялар соҳасида Корея тажрибасини ўрганиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, икки давлат ўртасида рақамли ва “яшил” иқтисодиёт йўналишида имзаланган келишувлар асосида амалга оширилаётган қўшма дастурлар замонавий технологияларни жорий қилиш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш ва инновацион ечимларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда. Бу эса иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга экологик хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда “ақлли шаҳар” концепцияси асосида шаҳар инфраструктурасини модернизация қилиш, энергия ва сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш, рақамли бошқарув тизимларини жорий этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу нафақат шаҳарлар қиёфасини замонавийлаштириш, балки аҳоли учун янада қулай, хавфсиз ва экологик соғлом яшаш муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Президентимиз халқаро майдонлар-

да ҳам иқлим ўзгаришига қарши кураш ва “яшил” тараққиёт масалаларини мунтазам илгари суриб келмоқда. Жумладан, “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030” саммитида ривожланаётган мамлакатларда “яшил” энергетикани ривожлантириш, ёшларда экологик маданиятни шакллантириш ҳамда ушбу йўналишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш бўйича илгари сурилган ташаббуслар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланди.

Шунингдек, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари иштирокида ўтказилган халқаро конференцияларда ҳам иқлим ўзгаришига мослашиш, сув ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, Оролбўйи ҳудудидagi экологик муаммоларни бартараф этиш ҳамда минтақада “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш масалалари устувор вазифалар сифатида илгари сурилди. Бу ташаббуслар нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа барқарор тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёни сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ресурслардан самарали фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ҳамда экологик барқарорликни таъминлаш устувор вазифалар сифатида белгиланди. Бу йўналишда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурлари “яшил” иқтисодиёт тамойилларини амалиётга изчил татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Орол денгизи ҳалокати оқибатларини юмшатишда ҳам “яшил” технологиялар муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, халқаро молия институтлари ва бошқа ҳамкорлар билан кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ томонидан Оролбўйи ҳудудини экологик инновациялар ва технологиялар минтақаси деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюциянинг қабул қилиниши халқаро ҳамжамият мамлакатимиз экологик сиёсатида юксак баҳо бераётганининг амалий ифодаси бўлди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш, муқобил энергия ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари изчил амалга оширилмоқда. Яқин йилларда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини бир неча баробар ошириш орқали нафақат энергия хавфсизлигини мустаҳкамлаш, балки углеводород чиқин-

диларини қисқартириш ва иқтисодиётнинг экологик барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Бугун “яшил” иқтисодиёт фақат экологикларнинг эмас, балки иқтисодчилар, тадбиркорлар, давлат идоралари ва ҳар бир фуқаронинг умумий масъулиятига айланмоқда. Чунки табиатни муҳофаза қилиш, энергияни тежаш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни саралаш каби оддий кўринган амалий ишлар ҳам мамлакатнинг барқарор тараққиётга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, “яшил” иқтисодиётга ўтиш бу – фақат иқтисодий ислохот эмас, балки келажак авлод олдидаги масъулиятдир. Табиий ресурслар чекланган, инсон эҳтиёжлари эса тобора ортиб бормоқда. Ана шундай шароитда иқтисодий ўсишни экологик хавфсизлик билан уйғунлаштириш давр талаби ҳисобланади. Бу йўл орқали мамлакатнинг энергетик ва иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланади, аҳоли турмуш сифати юксалади, соғлом атроф-муҳит шаклланади ва барқарор тараққиёт учун мустаҳкам замин яратилади.

Шу маънода “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ҳар биримиздан юксак экологик маданият, масъулиятли муносабат ва амалий ҳаракатни талаб этади. Зеро, табиатни асрашга қаратилган ҳар бир эзгу қадам – мамлакатимиз келажигаги қўшилган муносиб ҳиссадир.



Фирдавс САИДНАЗАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети доценти, PhD

САЙЁР ҚАБУЛ

41 ТА МУАММОГА ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

O'zLiDePning “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида мамлакатимиз ҳудудларида ўтказилаётган сайёр қабуллар аҳоли билан очик ва самимий мулоқотни янада кучайтириш, фуқароларни ўйлантираётган муаммоларни жойида ўрганиш ҳамда уларга амалий ечим топишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энг муҳими, бу каби учрашувлар одамларнинг дарду таъшишларини эшитиш, мутасадди ташкилотларни муаммоларни ҳал этишга янада фаол жалб қилиш ва ҳудудлардаги долзарб ижтимоий масалаларни бартараф этишнинг таъсирчан механизмига айланмоқда.

Навбатдаги ана шундай сайёр қабул Қарши туманида ташкил этилди. Тадбир давомида 230 нафар фуқаронинг мурожаати атрофлича ўрганилди. Очик мулоқот жараёнида 70 га яқин муаммо аниқланди, уларнинг 41 таси шу жойининг ўзида ижобий ҳал этилди. Қолган 29 та долзарб масала юзасидан эса тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари масъулларига аниқ топшириқлар берилиб, уларнинг ижроси қатъий назоратга олинди. Шунингдек, қабул давомида 16 нафар ёшнинг доимий иш билан таъминланишига эришилди.

Тадбирда туманда фаолият юритаётган тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам фаол иштирок этиб, ижтимоий ҳўмояга муҳтож оилаларнинг муаммоларига бефарқ эмасликларини яна бир бор намойён этдилар. Уларнинг ташаббуси билан 6 нафар ёлғиз кекса ҳамда боқувчисини йўқотган фуқаро оталиққа олинди. Икки нафар кам таъминланган оиланинг уй-йўлини таъмирлаш учун зарур қурилиш материаллари етказиб берилди.

Бундан ташқари, 9 нафар фуқарога жами 27 миллион сўм миқдо-

рида моддий ёрдам ажратилди, 5 нафар беморга санаторийларда бепул даволаниш учун йўланмалар



тақдим этилди. Икки нафар эҳтиёжманд фуқаро ногиронлар аравачаси ва эшитиш мосламалари билан таъминланди. Шунингдек, 7 та эҳтиёжманд оилага уй-рўзғор жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар етказиб берилди.

Турли касалликлар туфайли кўп йиллардан бери мунтазам даволаниб келаман, – дейди “Мирмирон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Юсуф Қодиров. – Ночор оила вакили бўлганим учун хусусий клиникаларда даволаниш ва дори-дармон харажатлари менга оғирлик қилаётган эди. Шу сабабли сайёр қабулга келиб, саломатлигимни тиклаш учун

ордер ажратишда амалий ёрдам сўрадим. Мурожаатим ижобий ҳал қилиниб, нуфузли шифохонада даволаниш учун ордер берилди. Дардимизни эшитиб, муаммоларимизни ҳал этишга ҳаракат қилаётган барча инсонларга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Сайёр қабул доирасида яна 18 нафар фуқаронинг мурожаати ҳам ўрганилиб, уларни ижобий ҳал

этиш учун “маҳалла еттилиги” ҳамда тегишли мутасадди ташкилотларга юборилди. Шунингдек, 5 нафар фуқаронинг фарзандлари олий таълим муассасаларида тахсил олишлари учун контракт тўловлари қўлаб берилди. 6 нафар фуқарога имтиёзли кредит олишда амалий қўмак кўрсатилди. Уй-жой ва ички йўлларни таъмирлаш, электр таъминотини яхшилаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид 7 та мурожаат юзасидан ҳам мақбул ечимлар белгиланди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ЎЗГАРГАН ХАБАРЛАР

Ёшлар куни муносабати билан давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз навқирон авлод вакиллари билан учрашув ўтказиши эзгу ва хайрли анъанага айланди. Бундай мулоқотлар нафақат ўтган давр мобайнида ёшларимиз эришган ютуқ ва муваффақиятларни сарҳисоб қилиш, балки уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббусларини тинглаш, келгуси вазифаларни белгилаб олиш учун ҳам муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда.



Янги имконият ва қулай имтиёзлар

Учрашувларда илм-фан, таълим, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик ҳамда тури соҳаларда юқори натижаларга эришган иқтидорли йигит-қизлар муносиб рафбатлантирилмоқда. Энг муҳими, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилаётган янги ташаббуслар ёшлар учун янада кенг имкониятлар эшигини очиб, уларнинг орзу-интилишларини рўбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ўтказган учрашувида билдирилган муҳим ташаббуслар бугун юртимизнинг барча ҳудудларида катта қизиқиш ва кўтаринки руҳ билан ўрганилмоқда. Айниқса, мазкур ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, аввало, ёшлар онгига чуқур синдириш мақсадида жойларда тарғибот тадбирлари, очик мулоқотлар ва давра суҳбатлари изчил ташкил этилмоқда.

Жиззах вилоятида ҳам ана шундай маърифий учрашувлар кенг қамровда ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Мирзаўл ту-манида ташкил этилиб, унда “ИБН Сино издоши” хусусий клиникаси

раҳбари, Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши депутати Сабоҳат Азимова иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан депутат давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар учун яратилаётган янги имкониятлар, қабул қилинаётган муҳим қарорлар ва уларнинг амалий аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталди.

Тадбирда Президентимиз томонидан илгари сурилган ҳамда ёшлар ҳаётида янги босқични бошлаб берадиган муҳим ташаббуслар атрофлича таҳлил қилинди. Жумладан, ҳар йили 500 миң нафар ўғил-қизни замонавий ва меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўқитишга қаратилган “Келажак билимлари экотизими”ни йўлга қўйиш, муайян касбга эга бўлган, бироқ янги билим ва қўникмаларни ўзлаштириш иста-гидида ёшлар учун “касб ваучери” тизимини жорий этиш, касб ва тил ўрганиш, ишга жойлашш ҳамда тадбиркорликни бошлаш билан боғлиқ хизматларни “ягона дарча” тамойили асосида тақдим этадиган Ёшлар ҳабларини ташкил қилиш каби ташаббуслар алоҳида эътироф

этилди. Шунингдек, ёшларни эзгу мақсадлар атрофида бирлаштириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, иқтидорли ва ташаббускор йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбекистон ёшлар лигаси” платформасини ишга тушириш режалаштирилгани ҳам йиғилиш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Давра суҳбати қатнашчилари қайд этганидек, мазкур ташаббусларнинг ҳар бири мамлакатимизда ҳеч бир йигит-қиз эътибордан чет-да қолмаслиги, ҳар бир ёшнинг билим олиши, муносиб касб эгаллаши, иш билан таъминланиш ва ўз иқтидорини намойён этиши учун хизмат қилади. Бу эса Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, ёшларга ишонч билдириш ва уларнинг келажига сармоя киритиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши экани-нинг яна бир амалий ифодасидир.

Сирожиiddин АХМАТОВ,
O'zLiDeP Жиззах вилоят Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудир

ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

ЭШҚОБИЛ ШУКУР:

Ота-онасиз қолган
етим эмас, маслаҳатсиз
қолган етимдир



Эшқобил Шукур мегаполисининг қоқ ўртасига ўтов тикиб яшаётгани энлибой ўзбекка ўхшайди. Цивилизация шовқин-суронидан тил, дил ва шеъринг асрайди ўтовиди. Шоирнинг бутун ижодий концепцияси куйидаги мисраларга жо бўлгандек туюлади:

Ҳамма лаққилласа бозор тилида,
Сен кўнгил тилида бирор жумла айт.

Республика Маънавият ва маърифат маркази “Сўз” лойиҳасининг навбатдаги концертини айни мазмун-мундарижа атрофига қурди. Эшқобил Шукур публицистикасидан иборат “Мегаполисдан Ҳимолай чўққисигача” китоби тақдироти театр, куй-қўшиқ, шеърят бирлашуви кўринишида замонавий, креатив усулда ўтказилди.

Ҳозирги замонда дунё катта маънавий муаммолар қаршисида буюк кемадай чайқалиб турибди. Одамзот ақл бовар қилмас ихтироларни амалга келтириш билан бирга хатарли маънавий ўпирилишларни ҳам бошидан кечирмоқда. Инсонга ато этилган энг катта мўъжиза қалб эса кундан кун ғимояга муҳтож. Бу жараёнда инсон ўзининг асл моҳиятини сақлаб қолиши, эзгу туйғуларини, тафаккурини, бир сўз билан айтганда, маънавий оламини ҳимоялаши, нафақат вазифа, балки ҳам



ларини шунча ақлли санайдиларки, бировларнинг маслаҳати уларнинг нафсониятига тегади. Фолкнер айтганидай: “Баъзи одамлар Худонинг ишларини Худонинг ўзидан кўра яхшироқ биламиз деб ўйлашади”. Маслаҳат бевосита эл билан боғлиқ тушунча. Эл бор жойда маслаҳат бўлади. Эл йўқ жойда маслаҳат ўлади. Шу гапларни ёзаётганимда кўнглимдан бир фикр ўтди: Ота-онасиз қолган етим эмас, маслаҳатсиз қолган етимдир”.



қарз, ҳам муқаддас бурчага айланиши зарур. Китоб айни шу мавзулардаги фикр ва мулоҳазаларни китобхонга ҳавола этади.

– Эшқобил Шукур дунёда кечаётган мураккаб ва қалтис жараёнларнинг эзгу аъёналар ва қадриятларга, миллий тутумларга, халқни халқ сифатида тутиб маънавий устунларга нечоғли таъсир қилаётганини кўнунчақлик билан таҳлил қилади, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раиси, сиёсий фанлар доктори Отабек Ҳасанов. – Китобни мутолаа қила туриб, муаллиф инсониятнинг маънавий оламга қайтишидан ва бу оламни яна азиз ва муқаддас тутишидан умидини ўзмаслигига амин бўласиз.

Эшқобил Шукурнинг ўзига хос, салобатли овози китобдаги ҳар бир матндан жаранглаб, эшитилиб туради. У шунчаки, ўзини кўрсатиб қўйиш учун қўлига қалам олмайди. Ўзгаларнинг танқиди ёки олқиши учун ижод столига ўтирмайди. Кўнгли буюрганини ёзади, кўнглига келган фикрни обдан чоғиштириб, қиёслаб сўнг қозоғга туширади. Дунёнинг маънавий манзараларига қалб кўзи, теран нигоҳлар билан назар солади.

Таникли шоир ва адиб Эшқобил Шукурнинг “Мегаполисдан Ҳимолай чўққисигача” китобига кирган сара мақолалари, суҳбатлари, фикраларидан иқтибосларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

“Яна бир нарсани сезяспизми? Кейинги пайтларда маслаҳат тушунчасининг қадри кетиб борапти. Ҳар ким билганини қилади. Калласига нима келса, шунга бир туртиниб кўради. Кейин “Войдон! Ишларим расво бўлди. Шўрим қуриди!” деб ғавғо кўтаради. Бизнинг одамларимиз ҳар бир ишни маслаҳат билан қилган. “Маслаҳатли тўй тарқамас” деганлар. Айримлар ўз-

Кўз ўрганаверса, қотиллик ҳам мудҳиш жиноят саналмай қолади.

Кўз ўрганиб қолса, фақш ҳам оғир гуноҳ бўлмай қолади.

Кўз эса кўп нарсани ҳаётдан эмас, экрандан ўрганапти.

Экран ҳаётни кўздан ҳайдаб чиқаряпти. Менинг назаримда, ҳар қандай жамиятда, ҳатто у жаннат даражасига етган жамият бўлса ҳам маънавий назорат, маънавий тақилар бўлиши керак. Чунки маънавий назорат Худо ва Имон билан боғлиқ бир ишдир. Тақик сўзи даврга тўғри келмаёпти, деб уни фақш, хиёнат, фитна, уятсизлик каби ифлос иллатларга нисбатан ҳам қўлламаслик балолар эшигини очади.

Кейинги пайтларда яна бир ҳақиқатни англагандай бўлдим. Одамнинг яшаш жойи деганда биз уй-жойимиз, ҳовли-боғларимиз, томорқамизни тушунаемиз. Ҳолбуки, одам уйдан ҳам аввал ўз кўнглида яшайди. Одамнинг асосий уйи унинг ўз кўнглидир. Дейлик, беш соатдан сўнг Америкага учаётган одам ҳовлисини кўтариб кетолмайди, лекин кўнглини қолдириб ҳам кетолмайди, эҳтиётлабгина самолётга олиб чиқади.

Агар одамнинг кўнгли хароба бўлса, фиску фужур, ҳасад, ёвузлик, йирингга тўла бўлса, истикомат қилаётган улкан қасри ҳам, яшнаган боғу роғлари ҳам гурбатхона ё ахлатхонадан бошқа нарсас бўлмайди. Унда на хузур-ҳаловат, на бахт бор. Аксинча бўлса, одам оддийгина уйда ҳам, ҳатто қапада ҳам бахтли яшаши мумкин. Шунинг учун ҳам кўнглини обод қилмасдан, уйингизни обод қилолмайсиз. Бу тенгламанинг ечимини ҳисобдон ҳаёт аллақачонлар исботлаб берган.

Замоннинг заботи билан асосий бошпанамиз – кўнгли уйи қаровсиз қоляпти. Иккинчи уйимизга эса бор кучимизни сарфлаб, европача таъмир, замонавий жиҳозлар, ҳашаматли безаклар билан тинмай ишлов бераверамиз ва бу энг мароқли машғулотиимизга айланади. Асосий уй эса кўпинча ташландиқ етимдай мунғайиб қолаверади.

Бугун бизда нима дефицит десалар, мен ўйлаб ўтирмасдан, фикр ва фикрлаётган одамлар деб жавоб берардим. Ўйлаб ўтирмасдан дейишимга сабаб мен бу ҳақда обдан ўйлаб бўлганман. Баъзида фикрламай қўйганимни сезганимда ўзимни ўликдай ҳис этаман. Ўзини билган инсон учун фикрсизлик ўлимнинг бир туридир.

Фикр ҳар қандай жойда ўзининг тириклигини билдирадиган кучдир. Хас-хашақлар қоллаган каттагина бир майдонда гурқираб ўсиб чиққан бир тутам майса қандай тез кўзга ташланади, олди-қочдилару хашақи гаплар тўзғиб ётган жамиятда бир чимдим фикр шундай тез кўзга ташланади.

Шундай шўрликлар борки, улар имконини қилиб, Худони ҳам алдаса бўлади деб ўйлашади. Кейинги пайтларда одамларнинг яхши ният, ҳалол меҳнат билан пластик карталарига йиққан пулларини ўмариб кетаётган фирибгарлар, одам савдоси билан шуғулланиб, ён кўшнисигача сотиб юбораётган қаллоблар, соддадил одамларни чув тушириб, сарсон-саргардон қилаётган кўрнамаклар ҳақидаги хабарларни ўқиб шу ҳақда ўйладим. Бу муттаҳамларнинг тасаввури шунча тубанки, Худони нари борса, туман ҳокими ё туман прокурори даражасида кўра олади. Ундан уёғига ўтолмайди. Уларнинг бўлгани шу.

Оддий одамларнинг ҳаққини ўғирлаётган бир зўравон, ё тухматга учраган жабрдийдадан пора олаётган бир амалдор “Худо билса, билсин, қонунчиларнинг қўлига тушиб қолмасам бўлди” қабилида иш тутади.

Маърифат шундай нарсас эканки, бир ахмоқнинг мия қопқоғини очиб, ичига тўлдириб бу неъматни тикиб қўйсанг ҳам юқмас экан. Уни оқтириш она қорнидан, бешиқдан бошланиши керак экан. Ёши қирққа бориб қолган эшакнинг қонини алмаштирган билан ҳеч нарсас ўзгармайди.

...олима Фозила Сулаймонова бир гапни айтган эди: “Ҳамид Сулаймон қамалиб кетишидан олдин Ғарб адабиёти билан шуғулланар эди. Қамокдан қайтган, бутунлай ўзгариб келди ва менга айтдики: “Фозила, умримдан қанча қолган бўлса, бу ёғини фақат Навоийга бағишлайман. Мен у ёқда шунга қарор қилдим!” Дарҳақиқат, Ҳамид Сулаймон шундан кейин бутун фаолиятини фақат Навоий ижоди ва қадимий кўлэзмаларга бағишлаган ва шундан баракат топган.

Бизда “эл” деган тушунча азалдан бор ва у кўп нарсалардан бизни ғимоя қилиб келган. Ҳозирги пайтда дунёга таҳдид солиб турган ёлғизлик деб аталмиш иллат ҳам айни шу тушунча ҳаракатда бўлмаган жойларда тез урчиб кетди. Бир сўз билан айтганда, элсизлик бу йўлсизликдир, ёлғизликдир. Эл бор жойда ор ва номус бор, андиша ва уят бор. Ор-номус йўқ жойда ҳамма нарсас мумкин. Ҳатто қотилликни жасорат деб кўрсатиш, ахлоқсизликни эркинлик деб кўрсатиш мумкин. Шу ўринда яна бир мулоҳазани қистириб ўтсам. Номуснинг муҳим таянчларидан бири андишанинг оти бугун жуда кўпайиб кетди. Дуч келган ноқис унга ўзича от қўйиб олади. Қўрқоқ, кўнгличан, содда, бўшанг, юмшоқ, тортинчоқ, авайчи каби отларни сурбетлар андишанинг нақ манглайига ёпиштириб қўйишяпти. Энг ачинарлиси, камтарликни ҳам нуқсон деб қаровчилар тудаси пайдо бўляпти. Неча давраларда эшитдим, кимдир орияти устун келиб, бирор фойдадан қолган бўлса, “Камтар-да, камтар, шунга панд еб юради”, деган гапларни. Ё тавба, бетгачопарлик фазилат бўлиб, камтарлик иллат бўлиб қолдимикан, деб ўйлаб қолам. Бор овозинг билан бақир, қақир, тўполон қил, бировнинг ёқасини йирт, керак бўлса юзини тирнаб ташла, ишинг битса бўлди, у ёғини ўйлаб ўтирма. Хўш, бу билан қандай иш битади ўзи? Арзийдиган ишми? Майли, нари борса, бир коса шаваллик иш битар, лекин уят кетиб қолади-ку. Уятнинг нархи шунча арзон бўлиб қолдики? Кўчама-кўча лаққиллаб юрадиган безбетлик тўрға ўтиб, андиша четга сурилиб қоладими? Бу масалалар Абдулла Орипов бизни огоҳлантирган-ку:

Кулма, кулма, нега куласан,
Хижолат чекканнинг ҳолига.
Нега қўл теккиздинг камбағалнинг
Ўғрилардан қолган молига.

Мен кичиклигимдан боболарим ва момоларимга эргашиб юрганман, мана ёшим олтмишдан ўтиб боряптики, ҳамон уларга эргашиб юраман. Менимча, уларга Худо жуда тушунарли эди. Улар ҳам Худога тушунарли эди. Ҳамма нарсасда биз каби мураккаб эмас эдилар, демоқчиман. Уларда биздаги каби иддоолар ҳам йўқ эди. Момоларимнинг қишлоғимиздаги қари тут ёнидан ўтаётганларида “Ассалому алайкум, Боботут” дейишлари, дарёга, қуёшга, янги чикқан ойга, баҳорда келган қалдирғочларга салом беришлари, боболаримнинг қадимий зиёратгоҳлар ёнидан гўё пир

ёнидан ўтаётгандай эҳтиром билан ўтишлари, Ор-номусни ҳаётнинг устун деб билишлари... буларнинг ҳамма-ҳаммаси менимча улуг адабиёт эди. Одамлар руҳида яшаётган адабиёт...

Элда азалдан бир гап бор: “Отанинг жони қизининг ичиди бўлади!” Нега шундай? Чунки, қиз отанинг номусидир. Қизлар ўз ҳаё ва ибоси билан отларининг жонини, шаънини, икки дунёсини асраб юрадилар. Битта ёмон ҳаракат бу нарсаларни вайрон қилиб юборади. Бизда азалдан қизнинг энг катта бойлиги унинг ҳаёси саналган.

Ўйлаб қарасам, бобом билан момонинг энг кўп ишлатадиган сўзлари “эл-юрт” деган сўзлар экан. Улар бу сўзларни ички бир ҳурмат ва қарздорлик ҳисси билан тилга олишарди, пирнинг отини атагандай азиз тутишарди. Бугун бу сўзларни давраларда айтсангиз, кўплар қизил сўзлар, шунчаки баландларвоз гаплар деб қарашади. Нега шундай бўлди? Нега?.. Аза вақтларида дардини кўтаролмаётган момоларим “Элим-ов, юртим-ов!” деб шу сўзларга суянганини эслайман. Тую тантаналарда, кўпқари-қурашларда “Элим-юртим, то-вим”, деб қаддини мағрур тутган боболаримни эслайман. Нега бугун бу азиз сўзларни кимлардир шунчаки жўн сўзлар, кўпчиган минбарлар учун навбатчилик қиладиган саёз гаплар деб қабул қилишади. Бу менга жуда алам қилади. Йигитларга куч-ғайрат берган, қизларга номус берган бу сўзлар нега бу аҳволга тушиб қолди? Уларни кимлар шу ҳолга солди? “Элим-юртим” деган сўзларни мийиғида қулиб, киноя билан айтадиган одамлар ҳам пайдо бўлди. Бунинг ҳар хил сабаблари бордир. Бу ҳақда тўхталмоқчи эмасман. Фақат доимо маънавий мезонларнинг об-ҳавосини белгилаб турган тушунчалардан пугур кетаётганини таъкидламоқчиман. Бу тушунчалар озон қатлами каби емирилиб кетаяпти. Оқибатда маънавий иқлим ўзгаришлари табиий иқлим ўзгаришларидан кўра кўпроқ хатарли тус олмоқда.

Инсоният даҳоларининг ҳаммаси нодонликни, ахмоқликни қаттиқ қоралаганлар. Исо пайғамбар: “Ўлиқни тириштиришга кучим етди, аммо ахмоқни тузатишга кучим етмади”, деган. Мирзо Бедил: “Нодон билан бир соат суҳбатда бўлгандан кўра юз йил зиндонда ўтирган яхши”, дейди. Ёёте: “Фаол нодонликдан кўра қўрқинчлироқ нарсас йўқ. Жуда усталлик билан тасвирланса-да, бемаъъийлик аввал таажжуб, кейин нафрат уйғотади”, деган. Бу гаплар минг йиллар олдин айтилган бўлса-да, аслида бугунги замоннинг гапи.

Одамларни ахмоқ қилиш осон. Баъзан биттагина телеўйин билан ҳам кўпчиликни хоҳлаганча ахмоқ қилиб, минг макомга йўрғалатиб ташласа бўлади. Одамларни ақлли, дидли-фаросатли қилиш қийин. Жамиятнинг бутун муаммоси шунда. Дунёда оломончилик кайфияти кундан-кун авж олиб борапти. Бу кайфият барча халқларга ўз тасирини ўтказмасдан қўймади. Яқинда юртимизда қилинган катта бир ихтироини интернетга қўйишибди ва унинг ёнига бозорда икки хотин бир-бирининг сочини юлиб, юзини тирнаб ўришгаётган жанжални қўйишибди. Натижа қандай бўларкин деб шундай тажриба қилиб кўришган-да. Қарангки, бир ҳафта ичиди олимлар ихтироси ҳақидаги лавҳани 5000 киши, хотинлар мушталашувини эса 2,5 миллион киши томоша қилган. Буни қандай тушунасиз, замондош? Қандай изоҳлайсиз? Бизга қай бири муҳим, ватандош? Одам бу саволларни беришга уяласан.

Яқинда Би-би-сининг бир фильмини кўрдим. Бу фильм цивилизациядан йироқ Ҳимолай тоғлари чўққиларида юрадиган кўчманчилар ҳаёти ҳақида. Кимсасиз тоғларда телевизор, интернет, телефон йўқ жойларда яшайдиган Карма деган одам “Дунё кескин ўзгараёпти. Шунинг учун мен болаларимнинг тақдирдан қаттиқ ташвишдаман”, деб хавотирини билдирди. Кимсасиз Ҳимолай чўққиларида юрган одам шундай деса, мегаполис шаҳар ичидаги одам нима десин?

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожддин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шухрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xsl_asr@mail.uz
xsl_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ijtimoiy-siyosiy gazetasini
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 745
Адади: 4 106
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 21:00

Тахририятга келган кўлэзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” деган олинган маълумотларга амба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ